



Бақироқ одам  
ҳеч қачон ақлли  
була олмайдди,  
ақлли одам ҳеч  
қачон овозини  
баландлатмайдди

# ДАСТУРЛАР ИЖРОСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МУҲИМ

**21 октябрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг етмиш тўртинчи сессияси ўтказилди. Сессияни Кенгаш котибияти мудирини 3.Каримов бошқарди.**

Дастлаб Хитой Халқ Республикаси фуқароси **Ли Хянгрунга "Фахрий фуқаро"** мақомини бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ли Хянгрун хоним Самарқанд шаҳрида жойлашган "AZIA METALL PROF" қўшма корхонасининг хорижий ҳамкори ҳисобланади. У умумий қиймати 359 миллион АҚШ доллари бўлган темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ва мазкур корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши учун фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Кенгаш Ли Хянгрунга "Фахрий фуқаро" мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан сўнг **вилоят суди раиси ўринбосари Т.Бойзақовнинг** вилоят судининг 2022 йил тўққиз ойида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикландирилган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолият юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, ҳисобот даврида вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 4361 нафар шахсга нисбатан 3454 та жиноят иши кўриб тамомланган.

Тамомланган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 712 та (20,6 фоиз)га ҳамда шахслар сони 894 нафар (20,5 фоиз)га кўпайган. Тўққиз ойида вилоят судларининг барча инстанцияларида 13 та жиноят иши бўйича 14 нафар шахс оқланди.

Ҳисобот даврида судларга 39 минг нафар шахсга нисбатан 31826 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар биринчи инстанцияга келиб тушган. Кўриб тамомланган фуқаролик ишлари эса 37300 тани ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 мингтага кўп демаски. Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳамда шаҳар, туманлараро иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанция судида 14021 та иқтисодий ишлар мазмунан кўрилиб, 12421 та даъво қаноатлантирилган, 1262 таси эса рад қилинган.

Ахборот юзасидан депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга суд раиси ўринбосаридан жавоблар олди.

Кун тартибига мувофиқ, **вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022

йил 13 сентябрдаги "Навоий ва Самарқанд вилоятларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳисобот берди.

- Сенат томонидан парламент назорати доирасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ижроси ўрганилиб, йўл қўйилган хатолар кўрсатиб берилган эди, - деди Ж.Уроқов. - Биз бундан хулоса қилдик ва барча йўналишлар бўйича камчиликларни бартараф эттиш учун чора-тадбирлар белгиладик. Бу йил олдимизга жуда катта марра қўйганмиз. 2021 йилда 40465 та иш ўрни ташкил қилинган бўлса, жорий йилда 635 минг аҳолини доимий ва мавсумий иш ўринлари га жойлаштиришни режалаштирганмиз. Бундан янги иш ўринлари яратиш билан бирга, аҳолини ўзини ўзи банд қилиш тизимидан фойдаланяп-миз, фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларига кўмаклашяпмиз, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватляпмиз, уй меҳна-ти билан шугулланувчилар сафини кенгайтириш ва аҳолини касб-хунарга ўқитишга эътибор қаратяпмиз. Ана шу чора-тадбирлар натижасида тўққиз ой давомида 543 минг кишининг бандлиги таъминланди. Лекин ҳали олдимизда қўллаб-қувватлаш бор ва уларни кенг жамоатчилик билан бирга ҳал этиш чораларини кўраимиз. Биринчи навбатда, аҳоли бандлигига мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини оширишимиз, маҳалла ходимлари билан бирга ишсиз аҳоли қатлами ўртасида бандлик масаласи юзасидан тушунтириш ишларини кучайтиришимиз лозим.

Ҳисобот бўйича депутатлар саволлар билан бирга таклиф ва тавсияларини ҳам билдирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги "2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан **вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукроровнинг** ҳисоботи ҳам қизғин муҳокама этилди.

Ушбу қарор билан аҳолига муносиб уй-жой ва яшаш шароитларини яратиш, ичимлик сув ва оқова таъминотини ривожлантириш, транспорт ва йўл инфратузилмасини ҳамда экологик вазиятни яхшилаш масалалари оид чора-тадбирлар белгилангани таъкидланди.

Жумладан, реновация дастурлари асосида келгуси беш йилда шаҳарларда эскирган уйлар

ўрнида замонавий уй-жойлар барпо этилиб, 200 минг нафардан зиёд аҳолининг янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратилади. Хусусан, Самарқанд шаҳрининг Ширин маҳалласи ҳудудида 372 гектар ер майдонида 40 минг 104 та хонадон-ли 390 та кўп қаватли уй, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, кўнгилочар масканлар, шифохона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, автотурагоҳ, спорт мажмуалари ҳамда маҳалла марказлари қурилади. Самарқанд-да илк бор шу ерда 12 та 40 қаватли, 48 тадан 30 ва 25 қаватли уйлар барпо этилади.

Бу каби ишлар Самарқанд шаҳрининг темир-йўлорти ҳудудидаги маҳаллаларда ҳам амалга оширилади. Ушбу массивдаги архитектура ва шаҳарсозлик нормаларига жавоб бермайдиган бинолар бузилиб, уларнинг ўрнида 297 гектар майдонда 474 та 12-20 қаватли уйлар ва бошқа объектлар қурилади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш Самарқанд шаҳри ҳудудини кенгайтириш ва уни "Миллионлик яшил шаҳар"га айлантириш бўйича ишлаб чиқилган тегишли қарорда назарда тутилган. Шунингдек, Самарқанд шаҳрини 5 туманга бўлиш бўйича ишлар давом этмоқда. Шаҳарни 2026-2040 йилларда ривожлантириш концепцияси лойиҳаси тасдиқланди.

А.Шукроров вилоятда инфратузилмани яхши-лаш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастур-ларини давом эттириш, чиқиндини қайта ишлаш, жамоат транспорти хизмати кўрсатишни так-омиллаштириш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича режалашти-рилган тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берди.

Депутатлар қурилиш ва коммунал соҳа билан боғлиқ кўплаб муаммо ва камчиликларни қайд этиб, ижро ҳоқимияти органларидан белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш, шаҳардаги ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш юзасидан кескин чоралар кўриш бўйича фикрларини билдирди.

Сессияда **вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомов** давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республика-сининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма-сини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайти-ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил иккинчи ва учинчи чорақлар даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағла-ридан фойдаланиш тўғрисидаги ва Кенгаш вакола-тига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, қарор-лар қабул қилинди.

## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

**Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учин-чи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислохотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича белгилаб олган вазифаларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.**



## Ўзбек тили жаҳон минбарларида янграяпти

**Самарқанд шаҳрида Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғида ўзбек тили байрами муносабати билан маърифий тадбир ўтказилди.**

Тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар давлат тилимизнинг кадр-қиммати ҳақида гапириб, йиғилганларни байрам билан табриклади.

- Она тилимиз равнақи учун эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Хуршид Хайруллаев. - Айниқса, кейинги 5-6 йил ичида ўзбек тилининг ривожини учун ҳомийлик, шарт-шароитлар, хусусан, қонуний асосларнинг мустаҳкамланаётгани қувонарлидир. Нафақат ўзбек тилшунослари, балки хорижлик олимлар ҳам она тилимиз бўйича тадқиқотлар олиб бораёти. Бу эса ўзбек тилининг жаҳон минбарларида янграши, унинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Тадбирда Самарқанд давлат университети талабалари тил ҳақида шеърлар ўқиди. Вилоят муסיқали драма театри актёрлари томонидан сахна кўриниши намойиш этилди.

Тадбирлар Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ташкил этилган концерт дастури билан давом этди.

Таълим муассасаларида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан илмий анжуманлар, маданий тадбирлар, адабиёт кечалари ўтказилди.

**Зулхумор АШУРОВА,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).**



## Ёшлар тақдирига катталар масъул

**21 октябрь куни маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғили-ши ўтказилди.**

Вилоят ҳокими, мазкур комиссия раиси Э.Турдимов иштирокида ўтказилган йиғилишда комиссиянинг жорий йил тўққиз ойидаги фаолияти натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Маълумки, жорий йилдан маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Вилоятимиздаги 1126 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ушбу лавозимга фаол ва ташаббускор ёшлар танлов асосида ишга қабул қилинди.

- Маҳаллаларда ўтказилган хатлов асосида етакчилар томонидан ҳар бир ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммосини ҳал қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди, - деди Ёшлар ишлари агент-лиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳ.Тўхтаев. - Бунинг натижасида "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоятимиз кўрсаткичи 81,8 фоизга етиб, бу борада республикада биринчи бўлди. Бироқ Самарқанд шаҳрида бу кўрсаткич 58,7,

Ургутда 66,4, Самарқанд туманида 78,8 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, етакчилар томонидан ёшлар масалаларига эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари ҳам кузатилди. Шу сабабли йил бошидан буён 66 нафар ёшлар етакчилари ҳамда туман ва шаҳар бўлиmlаримизнинг 12 нафар ходимла-ри билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди. Самарқанд шаҳар 2-сектор ҳудудидаги Чўпон ота маҳалласи 22-уйда истиқомат қилувчи У.Неъматов ҳеч қандай асоссиз "Ёшлар дафтари"дан чиқарилган. Ургут тумани 1-секторга қарашли Ғойиб ота маҳалласида яшовчи С.Ваҳобов ҳам асоссиз равишда "Ёшлар дафтари"дан чиқарилган. Ушбу фуқаронинг мурожаати қарийб 3 ой ўтган бўлса-да, ижроси таъминланмаган.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э.Турдимов, республика комиссияси аъзоси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳи-мов ёшлар билан ишлашга эътиборсиз қараган ҳоким ва сектор раҳбарлари, ёшлар етакчилари ва бошқа масъуллар фаолиятини танқид қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилади.

### ►► Долзарб мавзу

## "Мен раҳбарлик қилаётган тизимда коррупция йўқ!"

**Шундай гапни қачон эшитамиз?**

**Қариндошларимиздан бири каттароқ қарз сўраб юрганини эшитиб, бирор муаммоси бормикан, деб қизиқиб кўрдим. Билсам, ўғли бир ташкилотга ишга кириши учун пул лозим. Умуман, бундай гап-сўзларни эшитиб юрибмиз, ҳеч қим бундан ҳайратланмайди.**

Яқинда бир мактабда учта ўзи йўқ ходим "ишлаб юргани", ўқимаётган ўқувчилар "таҳсил олаётгани" маълум бўлди. Бундай ҳолатлар бир эмас, бир неча таълим муассасаларида содир бўлаётди. Ростдан ҳам, коррупция-ни йўқотиш шунчалик қийинми? Уни қайтариш бораси-даги ишлар етарли самара бераётими? Одамларда коррупциясиз ҳам муваффақиятга эришиш мумкин, деган тушунча қачон шаклланади? Бошқа давлатлар бу иллатнинг олдини олиш учун қайси усуллардан фойдаланган?

### **БИТТА МАКТАБДА 587 МИЛЛИОН СЎМ ТАЛОН-ТОРОЖЛИК!?**

Самарқанд вилояти суди раисининг таъкидлашича, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан шу йилнинг уч ойи давомида 113 нафар шахсга нисбатан коррупцияга оид 84 та жиноят иши, 235 нафар шахсга нисбатан 186 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўрилган. Мазкур жиноят ишлари бўйича таълим соҳасидан 18 нафар, банк тизимидан 9 нафар, соғлиқни сақлаш тизимидан 7 нафар, қурилиш соҳасидан 5 нафар шахс судланган. Кўрилган жиноят ишлари бўйича жами 10 миллиард 912 миллион 789 минг сўм миқдорида зарар етказилгани аниқланиб, 9 миллиард 486 миллион сўм зарар дастлабки тергов давомида, 702 миллион сўми суд давомида ундирилган.

Бу рақамлар ҳали фақатгина ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан аниқлангани. Аниқланмагани қанча?

Шунингдек, яқинда давлат дастурида белгиланган объектлар қурилиши билан боғлиқ қонунбузилишлар

юзасидан вилоят прокурорининг мақоласи ҳам эълон қилинди. Мақоладаги ушбу рақамларга эътибор беринг. "Пайариқ туманидаги 59-умумтаълим мактабини рекон-струкция қилиш бўйича "Сам кадастр" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш хомашёлари ошириб кўрсатилиши натижасида объект қиймати сунъий равишда 119,7 миллион сўмга кўпайган бўлса, Ургут туманидаги 121-мактабнинг 145 миллион сўм, 81-мактабда 47 миллион сўм ва Каттакўрғон шаҳридаги 11-мактабини реконструкция қилиш объекти сметасида материал хара-жатларига 206 миллион сўм ортиқча харажатлар кўрсатил-ганлиги аниқланди.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида "Qobil Quruvchi Servis" МЧЖ томонидан Паст Дарғом туманидаги 21-мактабда олиб борилган қурилиш-монтаж ишлари давоми-да 587,2 миллион сўмлик маблағ талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суднинг ҳукми билан айбдор шахсларга нисбатан жазо муқарраллиги таъминланиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди".

Эътибор бераёйсизми, қурилишдан тортиб, таълим жараёнига коррупцияга аралашиб кетган. Атиги биттаги-на мактаб қурилишида 587 миллион сўм маблағнинг талон-торож қилинганлигини эшитиб, юрагинг орқага тортиб кетади! Бу жиноятларнинг энг оғири эмасми?

Соғлиқни сақлаш, молия ва бошқа соҳалардаги корруп-цион ҳолатларнинг илдизлари қаерга бориб тақалади?

(Давоми 2-саҳифада) ►►►



### **ИНДАЛЛОСНИ АЙТГАНДА**

**Виктор АЛИМОВ,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор:**

**Агар низолар,  
тўқнашувлар,  
қирғинлар  
бўлмаганида  
инсон эзгулик ва  
ёвузлик  
ўртасидаги  
фарқни, сирни  
билмасди. Аммо  
бу "яшасин уруш"  
деганимиз эмас,  
албатта!**

# "МЕН РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ТИЗИМДА КОРРУПЦИЯ ЙЎҚ!"

### Шундай гапни қачон эшитамиз?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

#### ИЛОЖСИЗЛИК ЁКИ ҚЎРҚУВ

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, коррупцияга қарши курашишнинг бир неча турлари мавжуд. Бири - коррупция содир бўлгунга қадар, унинг олдини олишга бўлган уринишлар, шунингдек, коррупцион ҳолат содир бўлгандан кейинги жараён. Коррупциянинг олдини олишга қаратилган усуллардан бирида давлат қонунчилик тизими ёки ҳукумат иқтисодиёт, бизнес соҳаларида коррупцияга йўл қўймаслик чораларини кўради. Иккинчи усулда эса коррупцион жиноятларга жазонинг энг юқори даражалари қўлланилади.

Турли давлатлар коррупцияга қарши курашда ўзлари танлаган усулдан фойдаланишган. Мисол учун, Нидерландияда Ички ишлар вазири коррупция ҳолатларини аниқлаш юзасидан ҳисобот юритади. Коррупция келиб чиқишининг манбалари мониторинг қилинади. Ассосий жазо - давлат органлари тизимида ишлаш тақиқланган ҳамда ижтимоий кафолатлар, дейлик, пенсиядан маҳрум этилади. Амалдор томонидан содир этилган коррупция ҳолатлари рўйхатдан ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари суриштируви амалга оширилади.

#### КОРРУПЦИЯ РАҒБАТ БИЛАН БОСТИРИЛАДИ

Баъзи давлатларда коррупцияга барҳам бериш давлат сиёсати даражасига кўтаришган. Сингапур вазири ва судьяларнинг ойлик маошлари кескин кўтарди. Бу давлатда юқори мансабга эришиш жуда мураккаб, шунинг учун улар пора олишдан кўради. Агар шундай ҳолат содир бўлса, улар фақатгина мансаби, юқори маошидан эмас, барча ижтимоий кафолатлардан ҳам айрилади.

Нидерландияда эса коррупция жазо билан эмас, ақсинча, сийлов билан бостирилади. Коррупцияга аралашмаган ёки бошқа амалдорларнинг коррупцион ҳолатларини аниқлаб берган давлат хизматчилари жуда юқори миқдордаги маблағлар билан мукофотланади.

#### БИЮКРАТИЯДАН ВОЗ КЕЧИШ

Жанубий Кореяда бюрократик режимдан воз кечиш, давлат тузилмалари ислоҳоти коррупция даражасининг пасайишига олиб келди. Мажбурий тасдиқлов, у ёки бу фаолиятни лицензиялаш каби қатор масалаларда амалдорлар билан алоқа кескин кечканди. 17 йилдири, ушбу давлатда OPEN номли кузатув тизими ишлаб, ҳар қандай фуқарога коррупция ҳолати бўйича онлайн мурожаат этиш имкони берилган. Ушбу мурожаатнинг натижасини ҳам онлайн назорат қилиш имкони мавжуд бўлиб, ҳар бир мурожаат ўрганилиши қатъий белгиланган. Кореянинг "Коррупция ҳақида"ги қонуни



дунё миқёсида энг самарали, деб топилган. Ушбу қонунга кўра, бу мамлакатда вояга етган ҳар бир фуқаро пора олиш факти бўйича суриштирув ўтказиш имконига эга бўлиб, Кореянинг антикоррупция агентлиги уни тўла қўллаб-қувватлайди.

#### ЖАЗОЛАР

Мазкур жиноятга жазонинг энг шафқатсизи Хитойда - пора учун қамоқ ёки ўлим жазоси қўлланилади. Кейинги ўн йилликларда минглаб хитойлик амалдорлар шу тариқа ҳаёт билан видолашган. Хитойда амалдорларни пора олиш ва беришдан қайтариш бўйича оммавий дастурлар ишлайди. Масалан, юқори даражали амалдорлар пора билан қўлга тушган собиқ ҳамкасбларини кўриш учун қамоқхоналарга ташриф буюриши тақиқлаштирилади. Болаларга эса ўғирликнинг зарари бўйича бошланғич синфданок маълумот берилади.

Сингапурда эса "коррупциялашиш презумпцияси" тушунчаси киритилган бўлиб, порахўрликда айбланаётган мансабдор шахс бунинг ақсини исботламагунга қадар айбдор саналади. Бу каби қатъий чоралар Сингапурни коррупция энг паст даражада бўлган давлатлар қаторига киритди.

Яқин Шарқ давлатлари, хусусан, Саудия Арабистони, Бирлашган араб амирликларида шариат қоидалари амалда бўлиб, ушбу давлатларда порахўрлик ўғирлик билан баробар талқин этилади. Ушбу жиноятга қўл урган мансабдорларнинг қўли кесилади.

#### МАМЛАКАТИМИЗДА...

Бугун коррупцион ҳолатлар бизни ташвишга солаётган бўлса-да, мамлакатимизда бу ҳолатларга барҳам берилиши йўлида ўзига хос ишлар ҳам олиб борилаётди. Юзлаб давлат хизматларининг битта идорада амалга ошири-

лишдан бошлаб, давлат бошқарув идораларининг очиқлигини таъминлаш (бошқарув идоралари фаолияти, статистик маълумотлар барча учун очиқлиги), Кенгашларда коррупция билан боғлиқ ҳисоботлар тақдим этилиши ҳам соҳадаги муҳим силжи, деб айтиш мумкин.

Қолаверса, шу йил Президентимиз томонидан "Давлат бошқаруви соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Унга кўра, давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган қарорга асосан "Е-Антикоррупция", "Е-Anticor.uz" платформаларини ишга тушириш, давлат идоралари фаолиятида инсон омилни қисқартириш, тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш белгиланган.

Кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилни қисқартириш мақсадида 2023 йил 1 январга қадар автоматлаштирилган тизим жорий этилади. Унда вакант лавозимларни эълон қилиш, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнлар тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади.

Шу каби қатор ўзгаришлар секин-асталик билан бўлса-да, мамлакатимизда коррупциянинг йўқолишига умид уйғотади.

#### 21 ФОИЗ ИШТИРОКЧИ ПОРА БИЛАН ИШГА КИРГАНИНИ ТАН ОЛДИ

Яқинда Zarnews.uz сайтида "У ёки бу ташкилотга ишга жойлашиш учун пул (пора) беришга мажбур бўлганмисиз? Агар шундай бўлса, бу қанча миқдорни ташкил этган?", деган саволлар билан ўқувчиларимизга мурожаат қилдик. Қувонарлики, сўровда иштирок этганларнинг 54 фоизи билимим билан ишга жойлашганман, деган жавобни берди. Аммо 13 фоизи 2-5 миллионгача, 8 фоизи 10-50 миллион сўмгача пора берилган, деб тан олгани кишини ташвишга кўяди. Иштирокчиларнинг 6 фоизи бошқа хизмат айтилган, деган жавобда тўхталган бўлса, 20 фоизи таниш-билиш орқали ишга жойлашганман, деб тан олган. Мазкур кичик сўровда гарчи, катта фозис сўралганлар ўз билими билан ишга кирганини таъкидлаган бўлса-да, аммо пора берганини тан олганлар ҳам кам эмас.

#### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳар бир раҳбар ўз тизимида корруп-

ция йўқ, дея оладиган даражада ҳисобот бериши лозим, бизнингча. Шу кунга қадар вилоятда бу гапни бир неча марта Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори таъкидлаб ўтди - матбуот анжуманларида, қолаверса, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида ҳам.

Институт ташкил этилганидан буён шу иллатга қарши курашдик, лекин осон бўлган эмас, - дейди шундай чиқишларидан бирида университет ректори Худойназар Юнусов. - Бир неча гуруҳлар, янги ишлашни истамайдиган, эскича фикрлайдиган ўқитувчилар бор эди. Уларни тўғри йўлга бошладик, тамағирликка чек қўйишга қарор қилдик. Бунинг истамаганлар билан хайрлашдик. Талабни кучайтирдик, ўқитувчи беш-олти йил ассистент бўлиб юрмайди. Марҳамат, уч йилда илмий ишини тайёрласин, ёқласин ва унвонли, лавозимли ўқитувчи сифатида юқори маош олсин.

Яқинда бир ўқитувчи хонамга йилга келди, талабалар дарс ўтишидан қониқмабди, кафедрага мурожаат қилиб, бошқа ўқитувчи тайинлашларини сўрашибди. Албатта, ўқитувчига аччидим, ўз устида ишлаши кераклигини тушунтирдим. Лекин бир томондан талабаларнинг фозиллигини, фанга бефарқ бўлмаганидан хурсанд ҳам бўлдим.

#### НЕГА БИРОТ РАҲБАР ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯДАН УЯЛМАЙДИ?

Хўш, яна ким шундай чиқиш қилишга журъат қилолди? Афсуски, бугун йирик коррупция ҳолатлари ошкор этилгандаям ўша тизимнинг бирорта раҳбари ўз ташаббуси билан истефо бермапти. Ҳатто йирик порахўрлик факти ошкор этилгандаям "Мен раҳбарлик қилаётган тизимда шундай ҳолат рўй берибди, демак, яхши ишлаш олмадим", дея ишдан бўшаган раҳбар ҳақида ҳозирча эшитганимиз йўқ. Ақсинча, унга соҳангизда порахўрлик бор, десангиз, жазаваси тутди. Ҳолатни ўрганиш ўрнига ўзини оқлашга тушади.

Аслида ҳар бир соҳа ўз тизимида коррупцияга қарши курашиш йўллариини ишлаб чиқиши ва бунинг натижалари бўйича аҳолига ҳисобот бериши лозим. Зеро, бу вазифа коррупцияга қарши кураш миллий кенгаши вилоят бўлими иш режасида ҳам бор.

"Биз коррупцияни енғдик", дея аввало, вилоят ташкилотлари раҳбарлари челленж билан чиқиши лозим. Табиийки, буни хомхаёл деб эмас, балки ўз тизимида коррупцияга қарши тизимли курашиш, мавжуд тўсиқларни ошкор этиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг натижаси сифатида кўришни истардик.

Гулрух МҮМИНОВА.

## 771 та мактабнинг 374 нафар масъулига жарима қўлланилди

- Таълим муассасаларидаги санитария қоидаларига амал қилиниши билан боғлиқ ишлар болаларимизнинг саломатлигини таъминлайди, соғлом турмуш тарзи бўйича фикрларини шакллантиради, - дейди вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи Маҳзуна Насриддинова. - Бошқарма томонидан ушбу қоидаларнинг амал қилиниши юзасидан йил бошидан бери қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2022 йил давомида ҳудудий бўлимлар томонидан 621 та мактабгача таълим муассасасида санитария назорати олиб борилган бўлиб, 411 тасига жарима қўлланилган. Вилоятдаги 771 та умумтаълим мактабиде ўтказилган шундай текширувлар натижасида уларнинг 374 тасига жарима қўлланилган.

Шунингдек, микроклимат кўрсаткичи бўйича вилоятдаги 605 та таълим муассасасида ўрганишлар олиб борилган. 490 та объектнинг ёритилганлик кўрсаткичлари ўрганилиб, 65 таси санитария меъёрларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Ушбу ўрганишларимиз йил охиригача давом этиб, барча таълим муассасаларини қамраб олишни режалаштирганмиз. Айтиш кераки, таълим муассасаларидаги санитарияга амал қилинмаган ҳолатларни бир-икки текширувлар билан яхшилаб бўлмайди. Бунда албатта, жамоатчилик назоратига муҳтожмиз.

Матбуот анжуманида бошқармадаги муҳит, коррупция ҳолатларига қарши кураш борасидаги ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

### БУ ФАКТ!

2022-2026 йилларда вилоят ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, Самарқанд шаҳрининг Ширин маҳалласи ҳудудида 40 минг 104 хонадонли 390 та кўп қаватли уй қурилади.

Жумладан, Самарқандда илк бор шу ерда 12 та 40 қаватли, 48 тадан 30 ва 25 қаватли уй бунёд этилади.

### Қишга тайёргарлик

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, иссиқлик таъминоти 24 октябрдан бошланиши мумкин. Таъмирлаш ишларига 3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланяпти.

## 24 октябрдан иссиқ сув берилиши мумкин

Вилоят "Иссиқлик манбаи" унитар корхонаси мутасаддиларининг айтишича, ташкилот тасарруфида 12 та қозонхона мавжуд.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят "Иссиқлик манбаи" ДУК қозонхоналарини 2022-2023 йиллар кузқи мавсумига жорий ва мукаммал таъмирлаш учун 3,15 миллиард сўм маблағ ажратиш белгиланган.

Дастур доирасида Самарқанд шаҳрида 2 та қозон қозонхонада (2 та қозон алмаштириш) мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 1 дона замонавий қозонхона (2 та қозон ўрнатилган, 1,88 километр иссиқлик қувурлари ётқизиш) қурилиши режалаштирилган.

Айтилишича, таъмирланаётган қозонхоналарнинг бири вилоят болалар кўп тармоқли шифонасига, иккинчиси ҳокимлик биносига хизмат кўрсатади. Қолган қозонхоналар 22 та уй ва 6 та ижтимоий соҳа объектига иссиқлик билан таъминлайди.

## Ёмғирлатиб суғорилади

Жорий йил вилоятда 394 гектар галла майдонида ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинган бўлса, 2023 йилда 5727 гектар суғориладиган галла майдонида ана шу технология ишга туширилади.

Бу ҳақда вилоят Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Пайарик ва Нарпай туманлари бўйлаб ўтказилган пресс-турда маълумот берилди.

Туманда 961 гектар бошоқли дон экинлари майдонида ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган, - дейди Пайарик тумани ирригация бўлими бошлиғи Зиёвуддин Жозилов. - Ҳозирги кунда 30 гектар галла майдонида пудрат шартномалари расмийлаштирилиб, ёмғирлатиб суғориш қурилмаларини ўрнатиш ишлари бошланди. Жумладан, тумanning Халқобод маҳалласидаги "Мусабек чорва комплекси" МЧЖга қарашли 4 гектар галла майдонида ёмғирлатиб суғориш технологияси тўлиқ ишга туширилди. Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, галладан 100 центнергача ҳосил олиш ва 40 фоизгача сув сарфини тежаш мумкин.

Жорий йил бошида суғориладиган



ерларда сув билан таъминланганлик даражасини ошириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳудудда кафолатли сув таъминотини ташкил этиш мақсадида Нарпай туманидаги ирригация ва мелиорация объектлари, 8 та насос станцияси давлат-хусусий шериклик шартлари асосида "Мароқанд-сифат" МЧЖ кластери бошқарувига берилган.

Насос станциялари эскирганлиги сабабли сув етказиб беришда муаммолар юзага келарди, - дейди Нарпай тумани ирригация бўлими бошлиғи Анвар Раҳимов. - Ирригация тизими кластер бошқарувига ўтган, Хитойдан яна 3 донна насос агрегати олиб келинди. Ушбу қурилманинг афзаллиги шундаки, ўзимиздаги ҳар бир агрегат сониясига 1500 куб сув чиқариб беради, Хитой технологияси сониясига 2000-2200 куб сув етказиб бериш қувватига эга. Олдин хўжаликларда ҳосилдорлик 30 центнер бўлган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич 37-40 центнерга етди. Ҳозирги кунда туманда 3 та насос станцияси ишляпти ва 57 фермер хўжалигидаги 8605 гектар пахта ва галла майдонларига сув етказиб берилмоқда.

Фазлиддин РҮЗИБОВ.

### Томорқа – даромад манбаи

Каттақўрғонлик 86 ёшли Толли ота Боборажабов томорқасидаги 13 туп анжирдан бу йилги мавсумда 1 тоннага яқин ҳосил олди. У етиштирган анорларнинг икки донаси 1 килограмдан зиёд тош босяпти.



Пенсияга чиққанмидан бери ҳовлимдаги мавжуд 24 сотих томорқада меҳнат қиламан, - дейди отахон. - Ёшим 90 га яқинлашган бўлса-да, кетмонимни фарзандларимга топширганим йўқ, 13 туп анжир, 17 туп анорни кўзда кўмиб, баҳорда очаман. Шунингдек, томорқамда олма, ўрик, беҳи каби мевали дарахтларни парваришлайман, рўзгорга керакли сабзавот маҳсулотларини етиштираман. Аввалгига фарзандларим томорқада ишлашганини хоҳламади. Уларнинг ҳам раъйига қарадим. Жисмоний меҳнат билан шуғулланмаган пайтларимда имунитетим пасайиб, тез-тез шамоллаб қоладиган бўлдим. Кейин ўғилларим ҳам ҳовлида ишлаб туришимга қарши бўлмади. Томорқада меҳнат қилиш саломатлигини мустаҳкамлашни уларга исботлаб бердим.

Отахон томорқада бир қарич бўш жой

қолдирмайди. Ҳовлиси яшилликка бурканиб, яшнаб турса, завқланади.

85 ёшимгача югуриш, турник торттириш, гимнастика машғулоти билан шуғулланиб келдим, - дейди у. - Кейинги 2 йилда кексалик аломатлари сезилган, жисмоний тарбия билан шуғулланиш биров оғирлик қилди. Аммо томорқада меҳнат қилишни қанда қилганим йўқ. Ассосий мақсадим томорқадан мўмай даромад топиш эмас. Кетмон чопсам, танам йрайди, меҳнатимнинг самарасини кўрсам, баҳри дилим очилади.

Ҳа, айни кунларда Толли отанинг меҳнати самара бериб турибди. Томорқасида пишиб етилган узум, анжир, анор, ноҳ, беҳи каби тотли мевалар аввало, ўз хонадон ва яқинларининг дастурхонини, қолаверса, бозор расталарини безаяпти.

Тўлқин СИДДИКОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).



Тарихдан маълумки, халқлар ўртасидаги маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг таъсири натижасида бир тилдаги сўз бошқа бир халқ тилида яшаб кетган. Масалан, арабча "амир-ул бахр", яъни "денгиз амираи, ҳукмдори" маъносига сўз рус тилида "адмирал" шаклида - нутқ аъзоларининг талаффуз қилиш жараёни (артикуляция)га мосланган ҳолда айтилиб, ҳозирда кенг истеъмолда ишлатилади. Шунингдек, ўзбек тилига араб, форс, хитой, рус тиллари орқали Европа тилларига оид атама ва номлар кириб келган. Тилларнинг даврий тараққиёти шуни кўрсатадики, улар ўртасидаги сўз алмашинувида тўсиқ қўйиб бўлмайди, аммо бу тилга хоҳлаган сўзни олиб кириш мумкин, дегани эмас. Бинобарин, "Давлат тили ҳақида"ги Қонунимизнинг 7-моддасида "Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади", дейилган.

## Миллий тил - қадриятлар бешиги

Ўзбек тили дунё тиллар тизимида қадимийлиги, бойлиги ва лисоний хусусиятлари билан ажралиб туради. У туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансубдир. Бу тилнинг кенг имкониятлари қадимги Ўрхун-Энасой обидаларидаги тошбитикларда, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону лугатит-турк", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" асарлари, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний", "Ҳамса", Бобурнинг "Бобурнома" асарларида, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Увайсий, Нодира каби мумтоз шоирларимиз ва ҳозирги давр ижодкорлари асарларида жилонаниб турибди.



Она тили миллий адабиётимиз, бой тарихимиз, ҳаётбахш қадриятларимиз, дину диёнатимиз, халқимизга хос дунёқарашни акс эттирувчи кўзгу, аждодлар меросини авлодларга етказувчи робитайи олампандир. Ҳар қандай даврда халқнинг тили ва адабиёти унинг маданий савиясини намоён этувчи восита хисобланган. Шунинг учун қадриятлар бешиги бўлган она тилимиз ўзининг тарихий ватани, азалий қўрғонда қадриятлар, эътиборга сазовор бўлиши зарур, шундагина у абадийликка дахлдор бўлади.

**Элбек ТОҒАЙМУРОДОВ,**  
**Бекзод ҚАРШИЕВ,**  
**ТДАУ Самарқанд филиали**  
**ўқитувчилари.**

## Ахборот технологиялари мутахассислари

### Самарқандда жам бўлади

Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг 24-27 октябр кунлари яна бир нуфузли халқаро тадбир - "ICTWEEK Uzbekistan" Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ўтказилади. Ҳафталик давомида "Digital Eurasia Forum"и бўлиб ўтади. Форум ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий тенденцияларга оид масалаларни муҳокама қилиш учун ноёб эксперт майдончаси бўлиб, мамлакат ахборот технологиялари тармоғининг ривожланишига қаратилган стратегик ечимлар ва дастурларни ишлаб чиқишга кўмаклашади, - дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги Дилмурод Ҳўжамбердиев. - Форумда зиддиятлар тахлили ўтказилади, ривожланиш салоҳияти ва уни амалга ошириш имкониятлари баҳоланади. "ICTWEEK Uzbekistan" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ICTFORUM 2015 йилдан буён ўтказилади. Авваллари "ICTWEEK Uzbekistan" умумий гоа асосида бирлашган, лекин ҳар бири ўз услубига эга қатор мустақил тадбирлардан иборат бўларди. Унинг янги формати барча ихтисослашган тадбирларни бирлаштирди. Форум дастурий қўмитаси таркибига

етақчи IT-компаниялар вакиллари, тармоқ экспертлари ва хорижий маърузачилар тақлиф қилинган. Агар форумни рақамларда ифодаладиган бўлсак, тадбирга ҳар йили 500 дан зиёд киши ташриф буоради, турли мавзулар бўйича 50 дан зиёд мутахассислар қизиқарли маърузалар билан қатнашади. Форум иштирокчиларининг мулоқоти блок конференциялар, секция мажлислари, маҳорат сабоқлари ва панель муҳокамалари кўринишида ўтади. 2022 йилдан бошлаб Форум "Digital Eurasia Forum" номи остида ўтади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида ўтказиладиган мазкур тадбирда етакчи IT-компаниялар вакиллари ва тармоқ экспертларидан таркиб топган форум дастурий қўмитаси фақат янги кейсга эга долзарб ва қизиқарли маърузаларни саралаб олади.

**Дилмурод ТҲТАЕВ.**

# МИЖОЗЛАРИМИЗГА ҚУЛАЙ ХИЗМАТЛАР ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

"Ипак Йўли" акциядорлик инновацион тижорат банки жамоаси кўп йиллардан буён вилоятимиз аҳолисига малакали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, банк жамоаси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишда ишбилармонларга молиявий кўмак бериб келмоқда.

Молия муассасамиз ишбилармонликни рағбатлантириш билан чекланиб қолмасдан, миқозларга банк хизматлари кўрсатишда бир қатор қулайликлар яратмоқда.

Жумладан, банкнинг мобил иловасини юклар олган миқоз коммунал тўловлар, шартнома тўловларини, бюджетга барча тўловларни (солик, жарима) тўлаши ва шахсий ҳисоб-рақам қолдигини назорат қилиши мумкин. Яна омонат ҳисобрақамлари очил ва улларга пул маблағларини жойлаштириш, онлайн микроқарз олиш имконияти ҳам мавжуд.

Шунингдек, "Ипак Йўли банки" миллий тўлов карталари орасидаги ўтказмалар бепул!

Халқаро Visa карталар орасида дунёнинг барча давлатлари карталарига чет эл валютасида ўтказмалар амалга ошириш имконияти яратилган.

Банкда чиқариладиган исталган картага масофадан туриб Visa, Master Card, Uzcard ҳамда Нумо карталарига мобил илова орқали буюртма бериш мумкин. Ушбу карталарни етказиб бериш банк томонидан амалга оширилади.

- "Ипак Йўли банки" миллий тўлов карталарига ўзингизга ёққан дизайнда буюртма беришингиз мумкин.

- "Ипак Йўли банки"га тегишли ўзингизнинг барча карталарингизнинг паролларини ўзгартириш, вақтинча блокка қўйиш ва очил, амалиётлар тарихини кўриш имконияти мавжуд.

Яна бир янги қулайлик - "Western Union" ва "Zolotaya Korona" пул ўтказмалари орқали келган ўтказмаларни қабул қилиш ва жўнатиш мумкин.

Маблаг зарур бўлганда 2 дақиқада ҳаминингизга кириб қилинадиган онлайн-микроқарз хизматидан фойдаланиш, халқаро тўлов карталарингизни лозим даражада химоя қилишингиз мумкин.

3D-secure хизматида интернет тўловларини амалга ошираётганингизда ишлатиладиган қўшимча код ўрнатиш лозим.

Бундан ташқари, мобил иловада NFC тўлов хизмати

мавжуд бўлиб, унда телефон орқали, картасиз тўловларни амалга оширишнинг ҳам имконияти бор.

Банкоматлар орқали (банк картаси бўлмаган ҳолларда ҳам) нақд пул ечиб олиш имконияти яратилган. Бунда банкоматдан QR-код сканер қилиб олинган ҳолда керакли маблағни нақдлаштириш мумкин.

Шунингдек, бош банкимиз томонидан ўтган йилдан бошлаб миқозлар хоҳишига кўра, банк карточкаларига индивидуал дизайн асосида унинг сурати ёки бошқа сурат жойлаштириш хизмати йўлга қўйилди. VISA, Master Card, Uzcard, Нумо банк карточкалари эса банк филиалида қисқа вақтда тайёрланади.

Банкимиз томонидан миқозларга янада қулай хизматларни тақлиф этиш учун Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳрида (17 та Нумо, 13 та Uzcard) жами 30 та банкомат ўрнатилган. Шундан 25 та АвтоВАЗ банк-

матлар орқали миллий валюта - сўмни АҚШ долларига ва АҚШ долларини сўмга алмаштириш мумкин.


Uzcard банкоматларимиз орқали миллий сўм карталарни тўлдириш амалиёти мавжуд ҳамда Нумо банкоматларимиз орқали халқаро "Ипак Йўли банки" карталарини чет эл валютасида тўлдириш имконияти бор.

Бундан ташқари, банкоматларимизда NFC функцияси мавжуд. Картани NFC белгисига қўйиб, PIN-кодни киритиб, пуллари ечиб олиш мумкин, бу эса карталарни банкоматда қолиб кетишдан сақлайди.

Банкимиз томонидан яна бир қулайлик сифатида бир йилда банк биноси ва Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли буюм бозори", Эҳтиёт қисмлар бозорига АДМ қурилмаси ўрнатилди. Бу қурилма ёрдамида банкка келмасдан туриб, кредитларни сўндириш, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобрақамларини тўлдириш имконияти мавжуд.

**Отабек МЕЛИЕВ,**  
**"Ипак Йўли" АИТ банки Самарқанд филиали бошқарувчиси.**

*Хизматлар лицензияланган.*



REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auktion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулк объектлари бўйича САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

№	Объект номи	Балансда сакловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза бериш охири мuddати
1	Собиқ маъмурий бино	Иштихон тумани прокуратураси	Иштихон тумани "Ўзбекистон" МФЙ	0,25	354,4	1 112 652 000	18.11.2022 й.	18.11.2022 й.

### Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги "Электрон онлайн аукционлари ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истиағида бўлган жисмоний ва юридик шахслар батлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қондалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказидан ёки "E-auction" электрон савдо платформаси орқали электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин.

### Аукционга қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб, ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосига қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинет"ига ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

### Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар e-auction.uz сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига киради ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган

аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кун соат 10:00 да бошланади).

Аукционга қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақами берилади. Аукционнинг бошланғич иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича тақлифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар тақлиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги тақлифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар тасдиқланган охириги тақлифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича тақлиф аукцион иштирокчиларнинг биронтаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича тақлифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион голиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига голиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича голиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг голиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пуллари қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан, кўрсатилган ҳисобрақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

### Қўшимча маълумотлари олиш мумкин бўлган манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатўра кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими).

Маълумот учун телефонлар: (66) 233-96-64, (99) 447-17-70.

Факс: (66) 233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

## ПАЙАРИҚ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Яқингача тумандаги аҳоли хонадонларидан чиқаётган қаттиқ ва маийший чиқиндини олиб кетиш хизматини "Тоза ҳудуд" ДУК амалга оширган. Эндиликда давлат шеркчилиги асосида "ШОҲИМАРДОН АСКАРОВ" оилавий корхонаси шундай хизматни йўлга қўйди.

Корхона чиқинди тўплаш шохобчалари ва транспорт воситаларининг зарур тарздаги санитария ҳолатини таъминлаш, чиқинди тўплаш шохобчаларини сақлаш ва коммунал тўловларнинг тўланиши, қаттиқ маийший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга ошириш, чиқинди

тўплаш шохобчаларини жорий ва мукамал таъмирлаш каби бир қатор вазифаларини бажармоқда.

Ҳозиргача корхона томонидан тумандаги 47 та маҳаллада хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида қўшимча эътирозлар ва тақлифлар бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Пайариқ тумани Пайариқ шаҳри, Жалолiddин Мангуберди кўчаси, 2-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (55) 704-93-04, (66) 425-22-68.

## ҲУРМАТЛИ КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИ ФУҚАРОЛАРИ!

"Икром Насруллаев" ва "Каттақўрғон Обод Сервис" масъулияти чекланган жамятилари Каттақўрғон шаҳрида қаттиқ маийший чиқиндиларни олиб чиқиш билан шуғулланмоқда. "Икром Насруллаев" МЧЖ томонидан Ингичка қўрғони ва шаҳримиздаги 10 дан ортиқ маҳаллага, "Каттақўрғон Обод Сервис" МЧЖ эса шаҳримиздаги 25 та маҳаллага оммавий шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан Каттақўрғон шаҳра аҳолиси учун маийший чиқиндиларни ташиб кетиш хизмати аҳоли жонбошига 2900 сўм этиб белгиланган.

Хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида қўшимча эътирозлар ва тақлифлар бўлса, қуйидаги манзил ёки телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**Бизнинг манзилимиз: Каттақўрғон шаҳри Қориравог маҳалласи, Самарқанд шохқўчаси, 9-уй. Тел: (90) 468-30-08, телеграм манзилимиз: (94) 186-30-08.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Джурев Фарходович нотариал идорасида марҳум Фарухович Бектемир Турсуновичга (2018 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фарходович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чуккур йўл кўчаси, 9-Б уй.

\*\*\*

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Асадов Мирмуарга (2010 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

\*\*\*

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Бабадустов Гуламжан Раҳматовичга (2022 йил 24 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.

\*\*\*

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Кўйчиев Асрор Шарифжон Улғига (2022 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.

\*\*\*

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Қиржигитов Бектемир Турсуновичга (2018 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

\*\*\*

Булунгур шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Атабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Алимов Умму Абдулжалиловичга (2020 йил 05 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Атабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунгур шаҳри, Мустақиллик майдони.

\*\*\*

Самарқанд туманидаги "TIMURJON MEBEL" оилавий корхонасининг (ИНН 305235479) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Қўшработ туманидаги "USTA DONIYOR ME MOR" унитар корхонасининг (СТИР: 309894084) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2017 йилда Ризбаева Улқизой Сарибавна номига берилган рўйхат рақами 7832, QT 539 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Сиёб педагогика коллежидан 2009 йилда Тангриева Озода Зоҳировна номига берилган рўйхат рақами 94, К № 1277077 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

